Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 69 (8059).

13 апрель чоршанба 1983 йил

Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАШАББУСКОР ПАХТАКОРЛАР САФИГА ҚЎШИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди тарихий қарорларини изчил амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан ғоят руҳланган ҳолда меҳнат активлигини янада ошириб 1982 йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитида пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 470 минг тонна, яъни пландагидан 40 минг тонна кўп хом ашё етказиб берилди. Область бўйича ҳар гектар майдондан ўртача 34,6 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Унинг 86 проценти машиналар букнеридан тўкилди. Тайёрланган пахтанинг сифати анча ошди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда 1982 йил Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига кўра областга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилганлиги қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳнат активлигини янада жўш урдириб юборди.

Илғор бригадаларнинг коллективлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, совет халқи фаровонлигини ошириш юзасидан кўрсатаётган ғамхўрликларига амалий жавоб бериб, фан ва техника ютуқларини қишлоқ хўжалигига жорий этиб, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаб бориб пахтадан эртаки ва мўл ҳосил етиштириш, давлатга пахта сотиш 1983 йил социалистик мажбуриятларини ва ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Область партия комитети 1983 йилда ҳар гектар майдондан камида 50—65 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга пахта сотиш ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган Чиноз районидаги Киров номли колхоздан Турсуной Охунова, Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан Адолат Рўзиматова ва Ойбек номли совхоздан Валлами Тўхтабоев, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозидан Гулой Тулепбекова, Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозидан Аҳмад Душабоев, Ғалаба районидаги «Победа» колхозидан Петр Дмитриевич Ким, Коммунистик районидаги «Правда» колхозидан Тўхтамурод Имонқулов, Пискент районидаги Тельман номли колхоздан Қаршибой Ботиров, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозидан Содиқ Йўлдошев, Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозидан Сандаҳмад Охунов бошлиқ илғор бригада коллективларининг қимматли ташаббусларини маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, район агросаноат бирлашмалари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташоблсельхозтехника», «Ташоблсельхозхимия», «Ташзаготхлопкопром» бирлашмаларига, колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарларига қуйидаги вазифалар топширилди:

ушбу ташаббусни бригада, участка ва хўжалик коллективларида кенг муҳокама этиб, ҳар бир хўжаликда олинган мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга, энг юқори ҳосил олиш учун оммавий социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан ташкилий ишларни кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юқори ҳосил олиш юзасидан ошириллган социалистик мажбурият қабул қилган бригада коллективларига ҳар томонлама ёрдам бериш;

уларга ўз вақтида етарли миқдорда сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, гербицидлар, қишлоқ хўжалик техникаси ажратиб бериш.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига, район газеталарига пахтадан юқори ҳосил олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг боришини ва илғор иш тажрибаларини кенг ёритиш топширилди.

ОХУНОВА Турсуной,
Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати, КПСС XXVI съезди делегати:

— Коллективимиз беш йиллик бошида ўз олдига давлатга пахта топшириш ўн биринчи беш йиллик планини уч йилда бажариш вазифасини қўйган эди. Биз ана шу шарафли марра сари дадил одимлаяпмиз. Ҳар йили пахта майдонларидан 60 центнердан ошириб хирмон уймоқдамиз. Шунинг учун ҳам беш йилликнинг дастлабки икки йили плани 170 процент бажарилди.

Бригадамиз аъзолари бу йил ҳам ҳосилдорликни 60 центнердан ошириб, беш йиллик планни бажарганликлари ҳақида рапорт бериш учун астойдил курашмоқдалар.

РЎЗИМАТОВА Адолат,
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съезди делегати:

— СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада юксак натижаларга эришгани учун колхозимиз Ўзбекистон ССР Меҳнат шуҳрати китобига ёзилди. Бу эса хўжаликда деҳқончилик маданиятининг юксалганлигидан, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор юқори ҳосил олинаётганлигидан далолат беради. Ана шу муваффақиятларда бизнинг бригадамиз коллективининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Масалан, ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 65 центнерга етказдик.

Ўн биринчи беш йиллик топшириғини шу йилнинг ўзида бажармоқчимиз.

ТЎХТАБОЕВ Валлами,
Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз бригада бошлиғи:

— Бригадага раҳбарлик қилаётганимга 20 йил бўлди. Бу орада ерларни ўзгартириб туришга, турли шароитларда меҳнат қилишга тўғри келди. Шу изланишлар даврида ёмон ернинг бўлмаслиги, аксинча ундан самарали фойдаланишда турли хил ёндошишлар мавжуд эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Мана бир мисол, бундан икки йил аввал қолоқ бригадага ўтдим. Уша пайтда ҳосилдорлик 25 центнер атрофида эди. Лекин бу ерда ҳам имкониятлар бор экан. Ўтган йили 47 центнердан хирмон кўтардик.

Бригадамиз аъзолари қатъий ишонч билан бу йил ҳосилдорликни 60 центнерга етказиб, беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олдилар.

ТУЛЕПБЕКОВА Гулой,
Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи:

— Бригадамиз коллективи комсомол-ёшлардан ташкил топган. Пахтакорларимизнинг ёш бўлишига қарамай, мўл ҳосил етиштириш соҳасида етарли тажриба тўпланган. Ўтган йили ҳар гектар ердан 53 центнердан ҳосил олганлигимиз бунга яққол мисолдир.

Бу йил бригадамиз тарихида биринчи марта энг юксак маррани белгиладик. Илгари қабул қилган мажбуриятимизни қайта кўриб чиқиб, ўн биринчи беш йилликни тўрт йилда эмас, уч йилда бажаришга қарор қилдик. Бунинг учун эса пахта ҳосилдорлигини 60 центнерга етказамиз. Бригадамиз шароитида бунга эришиш учун ҳамма имкониятлар бор.

ДУШАБОЕВ Аҳмад,
Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг бригада бошлиғи:

— Пахтазорларимиз 144 гектар майдонни эгаллаган. Ўтган йили гектаридан 49,4 центнердан ҳосил кўтардик. Ўйлайманки, бригадамиз шароитида фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар ҳали кўп.

Бу йил механизациядан самарали фойдаланамиз, ғўзага ишлов беришнинг илғор агротехникасини қўллаймиз. Бундан ташқари бўлажак ҳосилга пухта замин тайёрлаш учун анча ишлар қилиб қўйилди. Қиш ойларида майдонлар органик ўғитга тўйдирилган. Демак, ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш ва беш йиллик планни тўрт йилда бажариш имкониятига эгамиз. Йил давомида ғўза парваришини ана шу мақсадни кўзлаган ҳолда сифатли амалга оширамиз.

КИМ Петр,
Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг бригада бошлиғи:

— Хўжалигимизда деҳқончилик маданияти йил сайин юксалиб бораётир. Кўпгина бригадалар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олаяптилар. Шу жумладан, бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам об-ҳаво қандай келишидан қатъий назар ҳар йили пахта ҳосилдорлигини камайтирмаяптилар. Сув танқис бўлган ўтган йили ҳам 58 центнердан хирмон уйдик. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йили плани 155,9 процент бажарилди.

Кўп йиллардан бери орзу қилаётган 60 центнерлик маррага яқинлашиб қолдик. Бу йил янги мавсумга тайёргарлик кўрар эканмиз, имкониятларимизни ҳисобга олиб, ана шу мақсадимизга етишга қатъий қарор қилдик. Беш йиллик планни эса тўрт йилда бажарамиз.

ИМОНҚУЛОВ Тўхтамурод,
Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи:

— Асосий экинимиз пахта бўлса-да, ҳар йили каноп ҳам экамиз. Бедапоямиз ҳам бор. Бу экинлар қатъий равишда алмашлаб экиш майдонларида жойлаштирилади. Уларнинг ўрнини ҳар йили алмаштириб турамиз. Бу тупроқнинг унумдорлигини оширишга, пахта, каноп ва озуқа экинидан мўл ҳосил олишга ёрдам бераяпти. Бир неча йилдан бери пахта ҳосилдорлиги 40 центнердан пастга тушмаяпти.

Бригадамиз аъзолари бу йил 50 центнерчилар ташаббусига қўшилишга қарор қилдилар. Чунки бизда ҳам шундай шароит бор. Ғўзани об-ҳаётга қондириш билан қатор ораларига ишлов беришни бир-бирига боғлаб оби-тобида олиб борсак, ҳосилдорлик шубҳасиз ошади. Шуни ҳисобга олиб беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга қарор қилдик.

БОТИРОВ Қаршибой,
Пискент районидаги Тельман номли колхоз бригада бошлиғи:

— Бу йил бригадамиз пахтакорлари ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. Ўнинчи беш йиллик топшириғини ҳам тўрт йилда бажарганлигимиз бизга далда бўлди.

1980 йилдан бошлаб ўн биринчи беш йиллик ҳисобига пахта топшириб, дастлабки икки йиллик планни анча ортиғи билан бажардик. Ҳозир эса 55 центнерлик ҳосил учун қизғин кураш бошлаганмиз.

Мавсумга ҳар томонлама қизғин тайёргарлик кўрганмиз. Бу йил ғўзага ишлов беришда илғорлар тажрибасига амал қиламиз.

ЙЎЛДОШЕВ Содиқ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг бригада бошлиғи:

— «Оқ олтин» етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш, хом ашё сифатини кескин яхшилаш биз, пахтакорлар олдида турган муҳим вазифадир. Барча бой тажрибаларни ва мавжуд резервларни ишга солиш, ғўзага ишлов беришнинг илғор технологиясини жорий этиш йўли билангина бунга эришиш мумкин. Биз шу принципларга амал қилаётганлигимиз туфайли пахта етиштириш ва давлатга топшириш план ҳамда социалистик мажбуриятларини йил сайин ошириб бажаришга эришмоқдамиз.

Бригадамиз аъзоларининг бу йилги мажбуриятлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш, ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажаришдир.

ОХУНОВ Сандаҳмад,
Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг бригада бошлиғи:

— Пахта мураккаб техник экин ҳисобланиб, у деҳқонлардан катта маҳорат ва тинимсиз меҳнат талаб этади. Бизнинг баланд-паст қирлардан иборат ерларимизда эса касб маҳоратига таянмай туриб юқори ҳосил олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бригадамиз механизаторлари ва сувчилари ҳар бир картанинг ўз шароитига қараб культивация ўтказишга, ғўзаларни суғоришга ҳаракат қилишади. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 41,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик.

Бу йил мавсумга тайёргарлик кўриш арафасида бригадамиз аъзолари ошириллган мажбурият қабул қилдилар. Бизнинг шароитда ҳам ҳосилдорликни 50 центнерга етказиб, беш йиллик планни тўрт йилда бажарса бўлади деган қарорга келдик.

ЯРИМ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларига амалий иш билан жавоб бериб келаётган Бўстонлиқ районидаги «Правда» газетасининг 50 йиллиги» совхози чорвадорлари зарбдор тармоқни ривожлантириш учун бутун ички имкониятларни ишга солмоқдалар. Хўжаликда олиб борилаётган қўшимча тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Куни кеча давлатга гўшт сотиш ярим йиллик плани муддатидан илгари бажарилди. Эл дастурхонига 60 тонна ўрнига 65 тонна гўшт етказиб берилди. Бошқача қилиб айтганда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,2 тонна гўшт кўп тайёрланди.

Хўжаликда бошқа турдаги чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан олинган план ва социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилиши учун кенг кўламда кураш кетмоқда. Ҳозирги кундаги энг долзарб вазифа соғин сигирлар маҳсулдорлигини ошириб боришдир.

М. ФАТТОҲОВ.

ЎЗ ВАҚТИДА, СИФАТЛИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Горняк» совхози меҳнаткашлари СССР Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишига муносиб улуш қўшишга ҳаракат қилишмоқда. Улар бу йил давлатга 1260 тонна олма, 950 тонна узум, 198 тонна сут, 30 тонна гўшт ва 310 минг дона тухум етказиб бериш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилишган.

Шу кунларда хўжаликда бу юксак марраларни эгаллаш учун янги ерлар экин мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга, энг юқори ҳосил олиш учун оммавий социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан ташкилий ишларни кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юқори ҳосил олиш юзасидан ошириллган социалистик мажбурият қабул қилган бригада коллективларига ҳар томонлама ёрдам бериш;

уларга ўз вақтида етарли миқдорда сифатли уруғлик, минерал ўғитлар, гербицидлар, қишлоқ хўжалик техникаси ажратиб бериш.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига, район газеталарига пахтадан юқори ҳосил олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг боришини ва илғор иш тажрибаларини кенг ёритиш топширилди.

16 АПРЕЛЬ—БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

БЕКОБОД

БЕКОБОД пахта тозалаш заводи коллективи 16 апрель куни ўтказиладиган коммунистик шанбалигида актив иштирок этишга қарор қилди. Пахта тозаловчилар меҳнат байрамида юксак марраларни забт этишни мўлжалламоқдалар.

Қизил шанбаликда корхонанинг 483 нафар ишчи-хизматчиси иштирок этади. Уларнинг ярмидан кўпроғи ўз иш жойларини эгаллайдилар. Смена давомида 40 тонна тола, 4 тонна линт, 65 тонна тозаланган чигит тайёрланади. Жами эса 45 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Ишлаб чиқаришдан бўш бўлган ишчилар завод территориясини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан банд бўладилар. 1200 метр ариқ ва зовурлар тозаланиб, улар атрофига 800 туп гул ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилади. Корхона яқинидаги 150 квадрат метрли майдонда эса янги гулзор ташкил этилади. Шанбаликдан тушган иш ҳақининг 750 сўми беш йиллик фондига ўтказилади.

М. ОТАХОНОВ.

ПИСКЕНТ

«ТАШВОДСТРОЙ»нинг Пискентдаги автобазаси коллективи Коммунистик шанбалик куни тўла қувват билан ишлашга қарор қилди. Меҳнат байрамида корхонанинг 600 кишилик коллективи иштирок этади. Улар 5 минг тонна юк ташиб берадилар. Беш йиллик фондига 2,5 минг сўм пул ўтказиладилар.

Илғор автобаза коллективидан ўрнак олган 82-автокорхона ишчи-хизматчилари ҳам шанбалик куни машиналардан юксак унум билан фойдаланишга аҳд қилдилар. Улар планда белгиланган 3 минг ўрнига 3200 тонна халқ хўжалик юкларини ташишга бел боғладилар. Шу тариқа шанбалик куни ҳар иккала транспорт ташкилоти 8 минг 200 тонна халқ хўжалик юкларини етказиб бердилар.

ЯНГИЙЎЛ

ЯНГИЙЎЛ районидаги 163-кўчма механизациялашган колоннада тузилган Коммунистик шанбаликни ўтказиш штаби сўнгги тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказди. Шу куни барча қурувчилар ва идора ходимлари ўз меҳнат постларида бўладилр. Шанбаликда иш унуми оддий кунлардагига нисбатан анча юқори бўлади. Бинокорлар ўз кучлари билан 4600 сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширадилар. Бир қатор илғор ишчилар кунлик топшириқни 130 процентдан зиёд бажаришга сўз бердилар.

Шанбалик куни тевараксатрофни ободонлаштириш ишлари ҳам бажарилади. Бу тадбирларда 25 киши иштирок этади. Улар 200 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказадилар, сув шохобчаларини тозалайдилар, гулзорлар яратадилар.

СОВЕТ ТИНЧЛИК ФОНДИГА

ЧИН ҚАЛБДАН

Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ишига ўз ҳиссаларини қўшиш истагини билдираётган меҳнат коллективлари ва айрим кишилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар шанбалик ва якшанбаликларда, тинчлик вахталарида ишлаб топган маблағларини Совет Тинчлик фондига ўтказмоқдалар.

Фақат шу йил бошидан буён пойтахт области тинчлик тарафдорларидан Совет Тинчлик фондига минглаб сўм пул ўтказилди. Жумладан, тинчлик вахтасини ўтказиш ташаббускорлари бўлган «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазгидромонтаж» трести коллективлари 3 минг сўмдан, Калинин районидаги «Иваново» ва Охунбобоев номли совхозлар меҳнаткашлари 1000—1788 сўм, Тошкент политехника институти студентлари 9820 сўм, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети талабалари 1720 сўм пул ўтказдилар.

Кўпгина ишчи-хизматчилар, знёлилар, пенсионерлар ҳам ўз шахсий жамғармаларини чин қалбдан тинчлик фондига ўтказмоқдалар. Жумладан, Чирчиқ шаҳар касалхонасининг собиқ санитаркаси, ҳозир пенсияда бўлган Екатерина Леонтьевна Зубарева омонат кассадаги 3 минг сўм жамғармасини Совет Тинчлик фондига ўтказишни илтимос қилди.

Пенсияга чиққан бўлса ҳам В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётган Аҳмад Абдуллаевич Қодиров рационализаторлик таклифи учун олган 258 сўм пулни Совет Тинчлик фондига ўтказди.

Бундай кишилар кўп. Жумладан, С. Исмонлова, А. Матвеев, Р. Шамсуддинова, О. Иноземцева, Т. Холкина, Л. Срибная сингари тинчлик тарафдорлари ҳар ойлик маошларидан Совет Тинчлик фондига 10 сўмдан ўтказиб туришибди.

К. РОГАЧЕВ,
Совет Тинчлик фондига кўмаклашувчи Тошкент область комиссиясининг масъул секретари.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

БЕРЛИН. (ТАСС). ГДР пойтахтида «Карл Маркс ва ҳозирги замон — тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш» мавзуида халқаро илмий конференция очилди. Конференция илмий коммунизм асосчиси туғилган куннинг 165 йиллигига ва вафот этган кунининг 100 йиллигига бағишланган. Ушбу халқаро илмий анжуманда коммунистик ва ишчи партияларнинг, социалистик, социал-демократик партияларнинг, революцион-демократик партияларнинг, миллий-озодлик ҳаракатларининг, халқаро ташкилотларнинг делегациялари иштирок этмоқдалар. Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Г. В. Романов бошчилигидаги КПСС делегацияси қатнашмоқда.

Конференцияни ГБСП Марказий Комитети Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Э. Хонеккер очди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси, деб таъкидлади у, Маркс, Энгельс ва Ленин таълимотининг ғалабаси бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов Карл Маркс таълимоти ва СССРдаги социалистик қурилишнинг баъзи масалалари тўғрисида яқинда эълон қилинган мақоласида бизнинг давримизда марксизмни ленинизмдан ташқарида ва ленинизмсиз мутлақо тасаввур этиб бўлмаслигини ҳақли равишда таъкидлади. Ленин ва у тузган большевиклар партияси дунёнинг социал-сиёсий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборган биринчи музаффар социалистик революцияга бошчилик қилдилар. Шу тариқа янги давр—ишчилар синфи, халқ оммасининг улуғвор зафарлари ва тарихий ғалабалари даври очилди. Шу тариқа Маркс яратган илмий социализм янги жамият қураётган миллион-миллион меҳнаткашларнинг жонли практикасига сингиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин конференциядаги нутқини «Маркс таълимоти яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» деган мавзуга бағишлади.

М. В. Зимянин мутафаккир, илмий социализмнинг асосчиларидан бири, ишчилар синфининг интернационал иши учун улуғ курашчи, немис халқининг шонли фарзанди — Карл Марксга бағишланган конференцияда қатнашишга таклиф қилганлиги учун ГБСП Марказий Комитетига КПСС делегацияси номидан самимий миннатдорчилик изҳор этди.

Биз, совет коммунистлари бошқа мамлакатлардаги ўртоқларимиз ва маслакдошларимиз сингари, деди М. В. Зимянин, келажакка комил ишонч билан қараймиз. Бизнинг давримиз марксизмга мисли кўрилмаган ғалабалар келтирди, марксизм-ленинизм ғоялари қудратли революцион-ўзгартирувчи кучга айлантирилди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда Фридрих Энгельснинг «Марксниг номи ва иши асрлар бўйи яшайверади!» деган сўзларини тўла ҳуқуқ билан такрорлаш мумкин.

КОНВЕЙЕРДА ЯНГИ МАШИНА

● «ТАШХИМСЕЛЬМАШ» заводида ОПХ-14 чанглатгич қурилмаси бўлган янги ОВХ-28 пуркагичини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги агрегат шу вақтгача корхонада тайёрланган бундай машиналарга нисбатан икки баравар унумлидир.

Суратларда: ОВХ-28 пуркагичи синовдан ўтказилмоқда, заводнинг энг яхши йиғувчи слесарларидан Борис Кравченко.

Т. Каримов фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАР КУНИ ҚЎШИМЧА ҚАТНОВ

КОРХОНАДА коммунист Номоз Орзиқулов бошчилигидаги шоферлар бригадасини ташаббускор коллектив деб юритишади. Бунинг боиси бор, албатта. Ўз сафига сидқидилдан ишловчи тажрибали ҳайдовчиларни бирлаштирган бу кичик, аммо аҳил ва иноқ бригада ватанпарварлик ташаббусларига биринчилар қаторида қўшилади, янгиликларни ҳаммадан илгари қўллай бошлайди.

Бекобод темир йўл автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Чиноздаги 2-автобазада меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулини ҳам дастлаб ана шу коллектив аъзолари жорий қилдилар. Бригада аъзолари бир неча ой давомидаёқ прогрессив усулнинг афзалликларини амалда кўрсатдилар. Шундан сўнг бригада пудрати бошқа коллективлар ўртасида ҳам ёйила бошлади. Ҳозирги вақтда автобазадаги 7 та бригада шу усул асосида ишлаяпти. Уларга 70 дан ортиқ шофер бирлашган.

— Бригада пудрати ҳаётий эканлигини тўла исботлади, — дейди Номоз Орзиқулов. — Ундан қўлланган дастлабки кунларданоқ ишимизда силжиш бўлди. Чунки бу усул меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, бутун бригада меҳнати натижасидан ҳар бир шофернинг манфаатдорлигини оширишга олиб келди. Ҳар бир шофер ўз ишига чуқур масъулият билан муносабатда бўладиган, виждонан ишлайдиган бўлиб қолди. Илгаригидек вақт-бевақт бўш туриб қолишлар, машиналарнинг юксиз қатнови кескин камайди. Эндиликда ҳамма юк тузилган шартнома асосида ташила бошланди. Шартномага имзо чеккан томонлар масъулият ҳиссини чуқур ҳис қилиб ишламоқдалар.

Ташаббускор коллектив бригада пудрати афзалликларидан моҳирона фойдаланиб, юк ташиш ҳажмини, автомашиналардан фойдаланиш коэффициентини анча оширишга эришдилар. Белгиланган топшириқлар 115 процентга етказиб бажарилмоқда. Азаматлар ўн биринчи беш йиллик топшириғини тўрт ярим йилда бажариш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан уддаламоқдалар. Вақтдан ўзиб ишлаётган бригада шоферларининг меҳнат календарида шу йилнинг май ойи тугаб қолди.

Автобазадаги қатор бошқа бригадалар ҳам ташаббускорлар изидан боришяпти. Улар бригада пудрати асосида ишлаб, план кўрсаткичларини ой сайин ошириб бормоқдалар. Чиноз район Советининг депутати Х. Абдуллаев, Т. Толиповлар раҳбарлик қилаётган бригадалар коллективлари ҳам ихтиёрларидаги транспорт воситаларидан оқилона фойдаланмоқдалар. Улар ҳам ўн биринчи беш йилликни муддатидан олти ой илгари бажариш ва ваъдаларини устидан чиқмоқдалар.

Корхонанинг кўпгина тажрибали шоферлари халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга ўз вақтида ва барвақт етказиб бермоқдалар. Нормани муттасил ортиғи билан адо этаётган транспортчилар орасида С. Абдураҳмонов, А. Питченко, А. Петров, С. Теленбоев, Х. Замалдинов ва бошқа ўнлаб ҳайдовчилар бор.

Автобаза коллективи москвалик меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, хўжасизликка, интизомни бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш юзасидан «Шон-шараф — меҳнатга яраша!» шиори остида бошлаган ташаббусларини ғўла қўллаб-қувватладилар. Корхонада интизомни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди. Улар бирин-кетин амалга оширилмоқда. Бу қисқа муддат ичида ижобий натижалар берди. Сабабсиз ишга келмаслик, кадрлар қўнимсизлиги камаймоқда. Чунки эндиликда социалистик мусобақа ғолибларини аниқлашда меҳнат интизомига риоя қилинишига алоҳида эътибор бериладиган бўлди.

Илғор коллектив КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Ҳайдовчилар йиллик топшириқни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилишди. Март ойини яхши якунлашди. Қўшимча минг тонна атрофида халқ хўжалик юклари ташиб бердилар.

Ҳ. СУЛАИМОНОВ.

ШОН-ШАРАФ — МЕҲНАТГА ЯРАША

ФОЙДАЛАНИШНИ БИЛИШ КЕРАК

БАҲОР келиб, далада иш қизиб кетди. Ерга қадалаётган уруғлар дорилаб экилди. Бундан буён ҳам дефолиацияда ва бошқа ишларда — турли-туман химикатлардан фойдаланишга тўғри келади.

Шунинг учун, дориларни авваламбор меъёрида ишлатиш, қолаверса, уларни ишлатаётганда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш жуда муҳимдир. Чунки бу химикатлар киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Чиноз район санитария-эпидемиология станциясида Тошкент санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институтининг шифокор олимлари иштирокида бўлиб ўтган семинар-кенгаш шу мавзуга — қишлоқ хўжалигида химикатларни ишлатишга бағишланди. Унда хўжаликлар агрономлари, агроном-энтомологлар, хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияси ходимлари, район қишлоқ хўжалик химияси бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари қатнашдилар.

Семинар-кенгашда медицина фанлари кандидати Л. Тарлапольский, медицина фанлари кандидати Ў. Мирзаева, кичик илмий ходим М. Маграй турли мавзуларда суҳбат ўтказдилар.

Семинар-кенгаш қизиқарли ва фойдали бўлди.

С. МУҚИМОВ,
Чиноз район санитария-эпидемиология станциясининг врачи.

СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

ҲЕЧ ҚАЧОН ҚАЙТМАЙДИ

ЧИРЧИҚДАГИ трансформатор заводида беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш ҳаракати тобора авж олмоқда. Қатор илғор бригадалар янги резервларни ишга солиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш орқали ой сайин топшириқларни ошиғи билан бажариб келмоқдалар.

Комплект трансформаторлар подстанциялари цехнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Антонина Дубина етакчилигидаги участкаси ана шундай илғор коллективлардандир. Коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлган участка трансформаторчилари 1983 йилнинг иккинчи ой якунларига кўра корхона социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилдилар. Улар пландаги 305 ўрнига 321 дона трансформатор подстанцияларини ишлаб бердилар.

Антонина Дубина ҳамкасбларини қўш суръат билан ишлашга даъват этиш билан бирга фақат сифатли маҳсулот тайёрлашга ҳам илҳомлантира олди. Бу эса тез орада коллектив кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топди. Т. Абдураҳмонов, А. Микулович, А. Султонов сингари ишчиларнинг жонкуярлиги туфайли трансформаторларни йиғиш ва монтаж қилишнинг янги илғор усуллари коллективда оммалаштирилди.

Участка меҳнат аҳли йиллик планни муддатидан бир ой илгари адо этиб, ялпи маҳсулотнинг ками билан 97 процентини биринчи тақдим этишдаёқ техник назорат бўлимига топширишга эришиш ҳақидаги мажбуриятини муваффақиятли бажармоқда.

А. МИРАЛИМОВ.

КУНДАЛИК ВАЗИФАЛАРГА БОҒЛАБ

Заводимизнинг 22-цехида кўпмингкишилик коллективимиз меҳнати ўзининг пировард натижасини топади. Бу цехдаги бош конвейердан тушган «зангори кема»лар пахта далалари томон йўл олади. Завод маркасининг шуҳрати кўп жиҳатдан ана шу цех йиғувчиларининг иш сифатига боғлиқдир.

Шунинг учун цехда фаолият кўрсатаётган марксизм-ленинизм асослари мактабининг навбатдаги машғулотида КПСС Марказий Комитети ноябрь (1982 йил) Пленуми қарорлари асосида пахта териш машиналари сифатини янада ошириш тўғрисида жиддий гап кетди. Мактабда пропагандистлик қилаётган йиғув цехи бошлиғи М. Гвоздев ва ишлаб чиқариш бюроси бошлиғи К. Азимхўжаев йиғувчилар олдида турган вазифаларни батафсил гапириб бердилар. Шундан сўнг тингловчиларнинг ўзлари пахта териш машиналари сифатини янада яхшилаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Мактабда шуғулланаётганларнинг асосий қисми йиғувчилар, мастерлар, ОТК ходимларидир. Ҳар бир тингловчи ўз иш жойида сифатни ошириш учун нималарга эътибор бериш кераклигини баён қилди. Сиёсий ўқув машғулотларида билдирилган бу таклифлар завод партия комитетида муҳокама этилиб умумлаштирилди ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Биз партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан марксча-ленинча таълимни ҳаётга яқинлаштириш, кундалик вазифалар билан боғлаш чораларини кўрмоқдамиз. Ҳозир корхонамизда ишлаётган 737 коммунисснинг ҳаммаси сиёсий ўқувнинг у ёки бу формасига жалб қилинган.

Ўрта маълумотга эга бўлган коммунистлар учун тўққизта марксизм-ленинизм асослари мактаби ташкил этилган. Тўлиқсиз ўрта маълумотли КПСС аъзолари эса сиёсий мактабда СССР Конституциясини ўрганмоқдалар.

Ушбу ўқув йилида биринчи марта бешта илмий коммунизм мактаби ташкил этилди. Уларга олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 125 коммунист, яъни ишлаб чиқариш раҳбарларининг деярли ҳаммаси жалб этилган. Улар хўжалик механизмини такомиллаштириш курсини ўрганаяптилар.

Биз тингловчилар қизиқиши ва активлигини ошириш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Тингловчилар томонидан доклад ва рефератлар тайёрланиши, бригаликда муҳокама этилиши, баҳслар, суҳбатлар ўтказиш, коллектив жамоат фикрини ўрганиш сингари машғулотларнинг самарали формалари шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

ПАРТИЯ СИЕСИЙ ЎҚУВИ ШОХОБЧАЛАРИДА

Марксча-ленинча таълим самарадорлигини оширишда пропагандистларнинг малакаси ва маҳорати катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир корхонамизда катта обрў-эътибор қозонган юқори малакали 39 коммунист пропагандистлик қиляпти. Улар орасида завод бош металлурги Б. Чекурин, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Х. Халилов, завод директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари Д. Айлоян бор.

Завод партия комитети, сиёсий маориф кабинети ходимлари пропагандистларга ижодий иш олиб боришлари учун барча шароитларни яратиш, уларнинг назарий савияси ва амалий тажрибасини мунтазам ошириб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Улар учун мунтазам равишда завод сиёсий маорифи кабинетида машғулотлар, семинарлар уюштирилади.

Заводда ташкил этилган марксча-ленинча таълим бўйича кенгаш ҳам пропагандистлар маҳоратини оширишга хизмат қиляпти. Завод директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Д. Берштин раҳбарлигидаги бу кенгашда моҳир пропагандистлар тажрибаси умумлаштириб борилади, сиёсий ўқув ташкилотчилари учун методик қўлланмалар ишлаб чиқилади.

Сиёсий маориф кабинети шу ўқув йилида пропагандистлар учун эсдалик, шахсий ижодий планларни тузиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди. Кабинетда жойлашган кутубхонада марксча-ленинча таълим шохобчаларидаги машғулотларни олиб бориш учун бой адабиётлар тўпланган.

Партия сиёсий ўқувини ташкил этишда биз коммунистлар қизиқишини ҳам ҳисобга оламиз. Масалан, шу ўқув йилида коммунистлар илтимосига кўра илмий атеизм асосларини ўрганиш бўйича курс ташкил этилди. Унинг машғулотларини юқори малакали пропагандист В. Василенко олиб боради. Тингловчилар ўзаро суҳбат тарзида ўтказиладиган машғулотларда илмий атеизм асосларини эгалламоқдалар.

Машинасозларимиз ўн биринчи беш йилликнинг учинчи, марказий йилида пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни биринчи марта 10 мингтага етказиш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Бу улкан ва масъулиятли вазифани муваффақиятли бажариш учун авж олиб кетган қурашда сиёсий ўқувни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этяпти. Завод коллективини ғоявий жиҳатдан чиниқтириш уларнинг меҳнат ва ижодий ташаббускорликларини оширмоқда, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, юксак пировард натижаларга эришиш имконини беряпти.

Р. БЕССОНОВА,
«Ташсельмаш» заводи партия комитети секретарининг ўринбосари.

● ЯНГИЙЎЛДАГИ «Лаззат» кондитер фабрикасининг оператори Роза Холмирзаева графиқдан ўзиб меҳнат қилмоқда. Айни кунларда илғор қандолатчининг меҳнат календарида 1983 йилнинг июнь ойи қайд этилган.

В. Сироткин фотоси.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ БУЮРТМАСИ БИЛАН

● «УЗБЕКСЕЛЬМАШ» машинасозлари ленинча Коммунистик шанбалик кунида 36 та сеялка, чигитни аниқ экадиган 50 та аппарат ва гербицидлар соладиган 25 та мослама тайёрлаб, хўжаликларга жўнатадилар. 2150 киши бевосита иш жойларида меҳнат қилади. Кўпгина бригадалар ва участкаларнинг коллективлари «Қишлоқ буюртмалари муддатидан илгари бажарилади» деган шиор остида ишлашга қарор қилдилар ва смена топшириқларини анча ошириб бажариш мажбуриятини олдилар.

Корхона территориясини, завод ходимлари яшайдиган посёлкани ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни бажариш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНЛАРИ АСОСИДА

ДЎСТЛАР ЁРДАМИ

«ТАШКЕНТСКИЙ» сутчиликсабзавотчилик совхози территориясида қўриқ ерларга ялпи ҳужум бошланди. Бу совхозни ўзбекистонлик мелиораторлар Новгород яқинида барпо этмоқдалар.

Бу ерда беш йилликнинг учинчи йилида минг гектар майдоннинг захини қочириш, кўкламги экиш бошлангунга қадар яна 400 гектар ерни суғориб, сабзавот экинлари етиштириш учун топшириш лозим.

Ана шу ишни уддалаш учун бу ерда асосий мелиорация ишларини бажараётган «Тошкент-9» ихтисослашган ва механизациялашган кўчма колоннасидан Владимир Поветкин бошлиқ зовур қазийдиган катта бригадани юборишди. Бригада аъзолари октябрь ойигача 200 гектар ерни ўзлаштириш мажбуриятини олдилар.

Ҳатто новгородликларнинг ўзлари ҳам бу объектни анча қийин дейдилар: ҳаммаёқ торф қатламлари билан қопланган, баъзи жойларда ер 50—60 сантиметр чуқурликгача музлаган. Жипслик, юксак касб маҳорати мелиораторларга «Узновгородводстрой» трести коллективи ўртасида эмас, балки областда ҳам мусобақада пешқадамликни қўлда сақлаш имконини бермоқда. Масалан, бултур Поветкин ва унинг ўртоқлари 140 километр узунликда ёпиқ зовур ётқиздилар. Бу эса нормада белгиланганидан деярли уч баравар кўпдир. Энди коллектив янги маррани эгаллашга — 180 километр узунликда ёпиқ суғориш тармоқларини қуришга қарор қилди. Яхши йўлга қўйилган қурилиш технологияси, зарур машина ва механизмнинг мавжудлиги мелиораторларга мураккаб шароитларда белгиланган суръатда ишни давом эттириш имконини бермоқда.

Бригада аъзоларининг кўпчилиги Узбекистондан келишган. Меҳнатсеварлик, ҳар нарсага қизиқиш уларда Ноқоратупроқ ўлка шароитида мелиоратив қурилиш сирларини тез ва мукаммал эгаллашда, гидротехника «иншоотларини қуриш суръатларини анча ошириш имконини берадиган меҳнат усуллари ва методларини жорий этишга ёрдам берди. Поветкин бошлиқ бригада трестда олдингилардан бири қаторида бригада пудратига ўтди, ерни ўзлаштиришнинг поток усулини жорий этди. Ҳозир улар ана шу усулда иш қилмоқдалар. Сергей Иванов оғир трактор билан дарахт илдизларини кўпориб олмоқда, дренажчилар учун иш майдонини тайёрлаш мақсадида участкаларни текисламоқда. Тракторчи Федан Габдулҳақов дискофрезер машинасида музлаган ернинг юқори қатламини қирқади, унинг кетидан Александр Иванов юмшатгич машинада музлаган ер бўлакларини майдаламоқда. Миншариф Нафиқов, Владимир Увлев, Валентин Шевалдовлар бошлиқ кўп чўмичли экскаваторларнинг экипажлари ишни ниҳоясига етказмоқдалар. Бу ерда иш яхши йўлга қўйилган конвейерга ўхшаб аниқ, пухта давом этмоқда. Механизаторлар бир кунда 500—600 метр узунликда захни қочирадиган қувурлар ётқизиб, топшириқни деярли икки баравар ошириб адо этмоқдалар.

В. ЧЕРНЯЕВ,
ТАСС—ЎзТАГ мухбири.

Лесная,
Новгород области.

● ГАЗАЛКЕНТ консерва заводи коллективи тайёрланаётган маҳсулотлар шуҳратини янада ошириш мақсадида барча тадбирлар билан улар сифатини яхшилашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада корхона лабораториясининг катта инженери Е. Урюкинанинг қилаётган ишларини ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Завод ветерани ҳар бир маҳсулотни назоратдан ўтказиб, савдо шохобчаларига фақат сифатли маҳсулот етказиб берилишига ҳаракат қилмоқда. Суратда: Е. Урюкина иш устида.

В. Кириллов фотоси.

КОММУНИСТИК ШАНБАЛИКЛАР ТАРИХИДАН

ЛЕНИНЧА АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

БУ ВОҚЕА жаҳонда биринчи социалистик давлатимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан қайд қилинган. Унинг бўлиб ўтганига 64 йил тўлди. 1919 йилнинг 12 апрели — шанба куни кечқурун Москва-Сортировочная депосининг 13 коммунисти ва уларга хайрихоҳ бўлган икки ишчи слесарлар, қозончилар ва машинистлар партия ячейкаси ранси И. Е. Бураковнинг таклифи билан меҳнат кунидан кейин қолиб, паровозларни ремонт қилишга киришдилар. Уларни бундай ватанпарварлик ишига социализм ғояларига садоқат даъват этган эди. Ташаббускорлар қилган ишлари учун ҳақ олмадилар.

Албатта, бир гуруҳ ишчи коммунистлар ўзларининг бу ташаббуслари билан меҳнатга янгича муносабатда бўлишнинг бошланишига сабаб бўлганликларини ҳеч вақт хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Шу ташаббус кейинчалик социалистик мусобақа машъалининг ёқилишига негиз бўлган учқун эди. Бу ҳаракат ўша вақтнинг ўзидаёқ кенгайиб борди. Кўплаб ишчи коллективлари уни қўллаб-қувватладилар. Орадан бир йил ўтгач, дастлабки Бутунроссия шанбалигига катта эркин меҳнат байрами сифатида сал кам 15 миллион киши чиқди.

Улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин шанбаликларда коммунизм «куртаклари»ни кўрди. Унга катта баҳо берди. Ўзининг «Буюк почин» номли асарида биринчи коммунистик шанбаликлар тажрибасини доҳиёна умумлаштирди, ижтимоий ҳаётнинг янги социалистик ва коммунистик формалари қурилиши ишида улкан тарихий аҳамиятга эга эканлигини, янги меҳнат интизомига ўсишда буюк омил эканлигини алоҳида таъкидлади.

Тошкент шаҳридаги 3-район темир йўл ишчилари Туркистон ўлкасида коммунистик шанбаликлар бошланишига асос солдилар. Уларнинг ташаббуси билан 1919 йилнинг 11 октябрида станциянинг юк ҳовлисида биринчи шанбалик ўтказилди. Унда фақат коммунистлар иштирок этишди. Орадан бир ҳафта ўтгач, худди шу ерда ўтказилган эркин меҳнат байрамида 500 га яқин киши иштирок этди. Энг муҳими шундаки, ҳашарчилар орасида кўпгина партиясиз ишчилар, қизил аскарлар, ўқувчилар ҳам бор эди.

Бутун мамлакатимиздаги каби ўлкамизда ҳам «Қизил шанбаликлар» ҳаракати тўлқини ҳафта сайин, ой сайин мавж ура бошлади. Унда тобора кўпроқ кенг меҳнаткашлар оммаси қатнаша бошлади. 1919 йилнинг октябрь, ноябрь ва декабрь ойларида биргина Тошкентда 22 та шанбалик ўтказилди, уларда 3665 киши иштирок этди. 1920 йилнинг апрель ойи охирида Туркистонда ҳам «Транспорт ҳафталиги» ўтказилди. Шаҳар, уезд аҳолиси темир йўл кўприкларини тиклашда, паровозлар, вагонлар, платформалар ва йўлларни ремонт қилишда фаол қатнашдилар.

1920 йилнинг апрелида РКП(б) IX съезди шарафига ҳамма жойда шанбаликлар уюштирилди. Унда 2 мингдан ортиқ тошкентлик иштирок этди. Мамлакат эҳтиёжлари учун 500 минг сўмлик иш ҳақи берилди. Шу съезд қарорларини бажариш учун мамлакатимизнинг барча бурчакларидаги каби Тошкентда ҳам 1 Май куни меҳнат байрами сифатида нишонланди.

Байроқлар кўтарган ишчи отрядлари оркестрлар садоси остида йиғилиш пунктига оқиб кела бошладилар. Белгиланган вақтда шанбалик бошланди. У эркин меҳнатнинг тўлқинлантирувчи намойишига айланди. Кўчалар, истироҳат боғлари, майдонлар, ҳовлилар саранжомсариштa қилинди. Темир йўл станциялари ва йўлларда ишчилар аҳоли билан биргаликда пўлат излар шохобчаларини тозаладилар, вагонларга юк ортишди ва туширишди, вокзалдаги биноларни тартибга келтирдилар. Бу шанбаликда ишчилар оммаси билан бирга Туркистон революцион ҳарбий Советининг аъзоси В. В. Куйбишев ва партия ҳамда Совет органларининг бошқа раҳбар ходимлари қатнашдилар.

Бу ажойиб ҳаракат иштирокчиларининг сони ой сайин ортиб бораверди. 1920 йилнинг 4 июлидан декабригача 19 та шанбалик ўтказилиб, 44 минг 834 киши эркин меҳнат қўйнида жавлон урди.

Халқаро ва мамлакатимиз тарихидаги ажойиб саналар ва муҳим воқеалар муносабати билан ташкил этилган шанбаликлар жуда оммавий бўлди. Марксизм асосчиларидан бири Ф. Энгельс туғилган кунининг 100 йиллиги, III Интернационал II конгрессига бағишланган шанбаликлар юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги билан ўтди.

Умумхалқ ҳашарида барча миллатларга мансуб бўлган аёллар ҳам тобора фаол қатнаша бошладилар. 1929 йилнинг 1 августида ўтказилган умумшаҳар якшанбалигида 50 ўзбек аёли ишлади. Уларга хотин-қизлар бўлими делегати Р. Исматуллаева бошчилик қилди. Аёллар инвалидлар, болалар уйларида, госпиталларда хоналарни супирибсидириш ва беморларга қарашда ёрдам бердилар. Бу илгариги вақтда ҳуқуқсиз бўлган Шарқ хотин-қизларини социалистик қурилишга жалб қилиш учун почин бўлиб хизмат қилди.

Халқимизнинг бу ажойиб анъанаси тобора кенгайиб бормоқда. 1969 йилда биринчи коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги нишонланганидан бошлаб умумхалқ ҳашари ҳар йили ўтказилмоқда. У ҳар гал барча совет халқининг ҳақиқий меҳнат байрамига, халқ билан партия жипслигининг, халқимиз Ленин васиятларига оғишмай амал қилаётганлигининг намойишига айланмоқда.

Бу умумхалқ ишига Совет Ўзбекистони, шу жумладан, пойтахт областимиз меҳнаткашлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Биринчи коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида областимизнинг 1 миллиондан ортиқ аҳолиси қатнашиб, ҳақ олмай зарбдорча меҳнат қилди. Шу куни тушган 685 минг сўмликдан ортиқ иш ҳақи шанбалик фондига ўтказилди. Бу меҳнат байрамида биргина Тошкент саноат корхоналарида деярли 7,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 9 миллион сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

Айниқса, 1970 йилнинг 11 апрелидаги шанбалик ғалаба ўтди. Тошкент областида меҳнат байрамига 1 миллион 300 минг киши чиқди, мамлакатимизнинг социал эҳтиёжлари учун 4 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ ажратилди.

Улуғ доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишлаб ўтказилган Коммунистик шанбалик ҳам ўзининг оммавийлиги билан ажралиб туради. Шу куни эрта тонгдан ишчилар ва колхозчилар, бинокорлар ва транспортчилар, студентлар ва ўқувчилар меҳнат қучоғига отланишди. Улар ишчи корхонасидаги байрамни зўр уюшқоқлик, мисли кўрилмаган юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик билан нишонладилар. Кўпгина коллективларда меҳнат куни олдидан тантанали митинглар бўлиб ўтди. Уларда сўзга чиққан дастлабки шанбаликлар иштирокчилари, ветеран ишчилар ҳаммани зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга, умумхалқ ишига иложи борича кўпроқ ҳисса қўшишга чақирдилар, ленинча шанбаликларни меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан нишонлашга даъват этдилар.

Бу умумхалқ ҳашари катта меҳнат байрами сифатида ўтди. Унда 2 миллиондан ортиқ меҳнаткаш қатнашди. Уларнинг деярли тўртдан бир қисми ишлаб чиқариш участкаларида — заводлар, фабрикаларда меҳнат қилдилар. Колхоз ва совхозлар далаларида 200 мингга яқин деҳқон сидқидилдан ишлади.

«Қизил шанбалик» деярли барча шаҳарлар ва районларда зарбдорчасига ўтди. У «Ўроқ ва Болға» Иттифоқи муттасил мустаҳкамланиб бораётганлигини ҳам кўрсатди. Шу куни Тошкент трактор заводининг 80 илғор ишчиси кунлик топшириқ бажарилганлиги ҳақида соат 12 да рапорт берди. Шу вақтга келиб, бош конвейердан 17 та трактор тушди, кун давомида эса 30 та трактор ишлаб чиқарилди. Колхозлар ва совхозлар қўшимча ўнлаб пахта териш машиналари, культиваторлар, сеялкалар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси олдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари анъанавий ленинча шанбалик куни 10 минг гектар майдондаги экинларни культивация қилдилар.

Зўр кўтаринки руҳ билан ишлаган меҳнаткашлар 19,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди, минглаб тонна халқ хўжалик юклари ташишди, 6,9 минг тонна металлолом йиғишди. 162 корхона эса тежаб қолинган материаллар ва хом ашё ҳисобига ишлади.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига ташкил этилган умумхалқ ҳашари пойтахт областимиз барча шаҳар ва районларида янги-янги меҳнат ғалабалари билан нишонланди. Унда салкам 2 миллион 200 минг киши иштирок этди. 900 мингдан ортиқ ишчи, бинокор, деҳқон ва чорвадорлар меҳнат қўйнида бўлдилар.

235 корхона ва ташкилот, 796 цех, 1924 смена ва бригада, 60 минг 418 ишчи тежаб қолинган материаллар ва хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўн биринчи беш йиллик фондига 1 миллион 767,8 миллион сўм иш ҳақи ўтказилди.

Шу кунларда барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам В. И. Ленин туғилган кунининг 113 йиллиги шарафига ўтказиладиган анъанавий шанбаликка пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, 16 апрелда бўлиб ўтадиган ишчи корхомасидаги меҳнат байрами ҳам Ленин ғояларининг тантанасини, совет халқининг буюк почин анъаналарига содиқ эканлигини яна бир бор намойиш этади.

А. АБДУҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети партия архиви мудири.

П. ЦАПЛИН,
илмий ходим.

ДАЛАЛАРДАГИ КИЧИК ФЕРМАЛАР

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИНГ БУҒИНЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ райони хўжаликлари республикамизнинг илғор бригада бошлиқларининг ҳар бир бригадада ёрдамчи хўжалик ташкил этиш юзасидан Мурожаатини қизғин кутиб олдилар. Бугунги кунда райондаги пахтачилик билан шуғулланувчи 161 бригаданинг 100 дан ортиғида ёрдамчи чорвачилик хўжалиги мавжуд. Уларнинг ҳар бирида 5—8 тадан қорамол, қўй ва қўплаб парранда боқишга киришилди.

Бу «кичик ферма»ларда етиштирилаётган чорва маҳсулотлари аввало, далада ишлаётганлар овқатида ишлатилиб, эҳтиёждан ортиқчаси давлатга сотилади. Ким Пен Ҳва номли колхоздан К. Сейфалов, Куйбишев номли колхоздан О. Маматқулов, А. Икромов номли колхоздан Х. Шодиев сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригаларнинг коллективлари 1983 йилнинг ўзида давлатга 2—3 тоннадан гўшт ва сут етказиб беришга аҳд қилдилар.

Барча бригадаларда емхашак етиштиришнинг резерв ва имкониятлари қидириб топилмоқда. Ҳозирда ариқ бўйларига, чиқит майдонларга, дала шийпони атрофларига лавлаги, маккажўхори ва бошқа турли озуқа экинлари экилмоқда. Кеч куз ва қишловда едириш учун ёз ойларида табиий ўтлардан, қамишлардан ем-хашак жамғарилади.

Энгельс номли колхознинг коммунист Тўйғул Ўролова етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу соҳада, айниқса, ибратли ишлар қилмоқдалар. Улар бўрдоқига боқилаётган қорамолларни камида 400-450 килограммга етказиб, йил охиригача 4 тонна гўшт етиштиришмоқчи.

— Илғорлар ташаббуси катта бойлик ,—дейди Тўйғул Ўролова. —Аввало, бу бригадамиз аъзоларининг хотиржам, унумли меҳнат қилишларини таъминлайди. Чунки бизда рўзғор учун керакли ҳамма нарса, сабзавот ва резаворлар, картошка етиштирилади. Эндиликда гўшт, сут, тухум ҳам ўзимиздан чиқади. Айни кунларда бригадамизда қад кўтараётган «кичик ферма» қурилиши тугалланиш арафасида турибди.

Коллектив деҳқонлари чорвачиликни келгусида янада ривожлантиришни режалямоқдалар. Бунинг учун етарли миқдорда озуқа тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Улар ҳозиргача 2 гектар ерга беда, 3 гектар майдонга маккажўхори ҳамда 1 гектар ерга озуқа лавлагиси экиб қўйишди. Озуқа экинлари етиштириш биринчидан, чорвачиликни жадал ривожлантириш имконини берса, иккинчидан, бригадада ўзига хос алмашлаб экишни таъминлайди.

Районда ўз ёрдамчи хўжалигига эга бўлган бригадалар сафи тобора кенгайиб бораётир. Бунда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, бу ерда коллективлардаги «кичик ферма»ларда районлаштирилган, зотли сигир ва бузоқлар, қўй ва парандалар боқилишига жиддий эътибор берилмоқда. Чунки бундай қорамол ва парандаларни парвариш қилиш келгусида янада мўл-кўл гўшт, сут ва тухум ҳамда бошқа турдаги маҳсулотлар етиштиришга замин ҳозирлайди. Қолаверса, эл дастурхони янада тўкин бўлади.

У. ҲАМИДОВ,
Ф. МУҲИДДИНОВ.

ҚАҲРАМОНЛАРГА ХОС

СОЦИАЛИСТИК Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор, моҳир пахтакор Абдубашар Усмонов бошқараётган бригада аъзолари 1982 йилда СССР ташкил этилганлигининг шонли 60 йиллиги шарафига ҳар гектар ердан 60 центнердан «оқ олтин» олиб ўзига хос рекорд қўйдилар. Шуниси диққатга сазоворки, бригадада етиштирилган пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга сотилди, таннархи эса деярли тенг баравар арзонлашди.

— Абдубашар ака хўжалигимизнинг ифтихори, — дейди уста пахтакорнинг шогирди, участка бошлиғи Тўрабой Оллоназаров. — У киши пахтачиликка қадам қўйган йилиёқ 20 центнерлик майдондан 40 центнердан ошириб пахта олганини, қолоқ участкага бошчилик қилиб икки йилда машъаллар сафига олиб чиққанини тенгдошлари мароқ билан ҳикоя қилиб беришади бизга. Ўтган йили Абдубашар ака бошчилик қилаётган коллектив 5 кунда йиллик планни бажариб, районда рекорд қўйди.

Ҳақиқатан ҳам Абдубашар ака тиниб-тинчимас деҳқон. Қаҳратон қишда ҳам, ёз саратонида ҳам дала кезади. Ҳамма тадбирни ўз вақтида ўтказишга катта эътибор беради. Абдубашар Усмонов бошчилигидаги заршунослар бу йил янги ташаббус билан чиқишди. «Ҳар гектар ердан 62 центнердан «оқ олтин» оламиз» шиори остида иш олиб борилмоқда.

Қиши билан ҳар гектар ерга 20—25 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Минерал ўғитлардан самарали фойдаланилди. Шунингдек, экиш даврида солиш учун дала бошларига яхши чиритилган ғўнг жамғариб қўйилди.

— Пахтадан мўл ҳосил оламан деган деҳқон доимо изланиши керак. Янгиликдан чўчимасдан, тадбиркорлик билан иш юритиши лозим, — дейди А. Усмонов. — Кузда ҳосилни йиғиштириб олганимиздан буён тиним билмадик. Область пахтакорлар Советининг чиғитни ернинг ўз намига тўла ундириб олиш юзасидан тавсиялари асосида барча тадбирлар бажарилди.

К. БЕГМОНОВ,
Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз.



БОБУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ҳайдар Муҳаммад адабиётимизга қўшиқ билан кириб келди. Оз вақт ўтмай қўшиқ уни музикали драма соҳасига бошлади. «Тошкентнинг нозанин маликаси» музикали драмаси унинг келажагини белгилаб берди. Ижодкор бирин-кетин саҳна асарлари яратишга бошлади. Бу ёш муаллифни саҳна санъатининг ўзига хос сир-асрорларини пухта эгаллашга ундади. Ниҳоят, у катта мавзуларга қўл уришга жўръат этди. Яқинда у буюк олим, мутафаккир, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан унинг мураккаб ҳаёти ва ижоди ҳақида янги драма яратди.

Ҳайдар Муҳаммад тарихимизнинг бу ғоят мураккаб, аммо фахр этгулик вакили образига катта эҳтиром ва теран муҳаббат билан ёндошган.

Драматургиямизга дадил ва катта ихлос билан кириб келаётган бу умидли драматургнинг мазкур асаридан бир лавҳа ўқиб кўришингизни истар эдим.

Туроб ТЎЛА,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Ҳайдар МУҲАММАД

УМРНИНГ БИР ДОВОНИ

(ДРАМАДАН ПАРЧА)

Яйловга тикилган ўтов. Узоқдан Ҳисор тоғлари оппоқ қорлари билан кўриниб турибди. Ўтов ичида Бобур жўшиб ғазал ёзмоқда.

Ўтов ёнига Ширим тоғойи келиб, ичкарига қарайди. Бобур сезмайди.

ШИРИМ ТОҒОЙИ — (Оғир уҳ тортиб). — Мана аҳвол... Бу нотавон шаҳзода оҳ-воҳ қилиб шеър ёзишдан ўзга гапни билмайди. **(Бирдан қўлини соябон қилиб қарайди).** Ия, икки отлиқ... Бобурнинг Хисравшоҳга юборган элчилари... Хабардор қилай. **(Ўтовга киради).** Шаҳзодам, элчиларингиз келяпти.

БОБУР — А?! Уч кун кечикишди. **(Ўтовдан чиқиб узоққа қарайди).** Ҳа, ўшалар... Тангрига шукур, соғ-омон келишмоқда.

ШИРИМ ТОҒОЙИ — Шаҳзодам—жияним, яхши хабарлар келтиряпган бўлсалар ажабмас...

БОБУР — Олдиндан...

ШИРИМ ТОҒОЙИ — Хисравшоҳ карами ва саховати кенг деб ном чиқарган. Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон Мирзога кўп мурувватлар қилғонлиги тилларда достон. Сизнинг элчиларингиз ҳам, иншооллоҳ, бекарам қайтмас. Хисравшоҳ падари бузрукворингиз Умаршайх мирзонинг инъомларидан кўп баҳраманд бўлган.

БОБУР — Рухсат! **(Ширим тоғойи чиқиб кетиб Мулло Бобонни бошлаб киради. Бобур Мулло Бобон билан самимий саломлашади ва ўтиришга ундайди).**

БОБУР — Сафарингиз бехатар бўлдиму Мулло Бобон?

МУЛЛО БОБОИ (Расмий). — Шукур, шаҳзодам.

БОБУР — Хисравшоҳ қай кайфиятда қабул қилди?

МУЛЛО БОБОИ— (Ғамгин). — Ўрдага бордигу сарой дарвозасиндан қайтдик. Хисравшоҳ ҳузурига кираолмадик.

БОБУР — Нечук?!

МУЛЛО БОБОИ — Шоҳнинг кўнгил очғучи кунлари кўп экан. Ҳамиша базми жамшидда... Номани соҳиб ихтиёрига топшурдик. Карвон саройда уч кун тунадик. Карвон сарой бетартиблиларини сўзлашга тил бормас. Бирни ўнга пуллашмоқда. Шаҳарда очарчилик. Сўнгра «Э» йўқ «Бе» йўқ мана бу мухрланган халтачани тутқазишди. **(Халтачани Бобурга узатади).**

БОБУР — (Ҳайратланиб).—Ажаб жавоб... **(Муҳрни бузиб, халтачани очиб ичига қўл тиқиб бир дона ёнғоқ, бир тутам соқол, бир сиқим тупроқ ва бир букланган қоғоз олади. Ёзувни ўқийди).** — «Эй, Бобур мирзо юборган «совға»мизнинг мазмуни бу турур.

1. Бир дона ёнғоқ — Сиз ҳали ёшсиз, салтанат ишларидан ўзингизни тийиб, бир юборган ёнғоқни ўйнаб турингчи, шоҳ катта бўлиб қолурсиз.

2. Бир тутам соқол — Мен билан элчи юбориб сўзлашмоқ учун аввал ота соқоли энгахингизга битсин.

3. Бир сиқим тупроқ — Хисравшоҳга элчи юборган ҳукмдорнинг муқим турғучи вилояти — тупроғи бўлмоғи лозим. Сўнгра элчи юборса жойиз бўлур. Хисравшоҳ, 909 ҳижрий, Муҳаррам ойи».

МУЛЛО БОБОИ — Отангиз Умаршайх Мирзонинг туз-намагини ҳам ҳурмат қилмаяпти-да. Кўрнамак.

БОБУР — «Алп шер бандга тушса, уни хорликдан деб ўйлама, ит саройда турса эътиборликдан деб ўйлама» демишлар. Ширим тоғойи, қандай журъат қилди экан бу ҳақорат қилғучи рамзий ифодаларни юбормакка?

ШИРИМ ТОҒОЙИ — (Кинояли кулиб). — Шаҳзодам, нечун журъатсизмисан, қўлига таёқ ушлаб қора чопон ва чориқ кийиб юрган икки юзга яқин бир қур қаландар сифат одамларга беписандлиги борда шоҳнинг. Ахир ўттиз мингдан зиёд лашкари бор.

БОБУР — Ҳа... ҳа... «совға»нинг яна қандай маъниси бўлиши мумкин.

ШИРИМ ТОҒОЙИ — Ўзга маъниси... Бунинг замирида... Сиз ёшлик қилиб жунбушга келиб кўтарилсангиз навкарлар билан кириб битирмакни режа ҳам қилган бўлиши мумкин. Билади, Тошканд хони Маҳмудхон тоғангизнинг сизга бемуруватлигини. Моваруннахри тасарруфига киритган Шайбонихон изма-из пайингизда юрганлигини ҳам билур.

БОБУР — Жумбоқ. Ширим Тоғойи, не маслаҳат берурсиз.

ШИРИМ ТОҒОЙИ — Ҳа, дарҳақиқат ўйлаб кўрмак зарур...

МУЛЛО БОБОИ — Оқсоқоллар бир кенгашмоқлари лозим.

БОБУР — (Ғазабдан ўзини босиб). — Маъқул. Айтинглар оқсоқоллар бу «совға»га бир фикр юритишсин. Оқшом кенгашурмиз. **(Мулло Бобон ва Ширим тоғойи чиқиб кетишади. Яна қоғоз қаламга қайтиб шеър ёза бошлайди).**

Неча бу фалак солғуси ғурбатқа мени,
Ҳар лаҳза тугангусиз машаққатга мени.
...Хисравшоҳ, ҳар қандай қабиҳликдин қайтмас.
Эй фалак, бунча қаттол ва золимсен! **(Онаси Қутлуғ Нигор киради).**

Ассалому алайкум онажоним! **(нажот кутиб, қалби тўлиб, ёнига келиб, бош эгиб турадиг).**

ҚУТЛУҒ НИГОР — Ва алайкум ассалом! Шаҳзодам, Мулло Бобонни кўрдим. Ҳаммасин айтди.

БОБУР — Кўзимга дунё қоронғу! Айтинг-чи пешонам шунчалик шўр, қисматим шунчалик оғирму?

ҚУТЛУҒ НИГОР — Навоий ҳазратларининг ёзмишлари:

«Бўриғаки, қўй бўғмоғи пешадир,
Чўбон меҳнатидан не андишадир».

Шаҳзодам, замона носозлиги. Ҳукмдорлар нопоклиги дунёни тутган бир замонки бундан қутулмоқнинг иложи ҳеч...

Лекин 500 йил аввал «Насиҳатномаи Кайковус»да: «Ноумидлик вақтинда яхшиликка умидвор бул!» — деб битилган. Ўғлим, ойнинг ўн бешн қоронғу бўлса, ўн беши ёруғдир.

БОБУР — Ёши улуғимиз Ширим тоғойимнинг ҳам кайфиятлари нохушроқ. Тошкандга қайтаман деб оғиз соляптилар.

ҚУТЛУҒ НИГОР — Тоғойингиз саросар юришлардан анча толиққан. Кексалик. Мен қолоқликни айтурман. Энди қисматингизга келсак 20 фаслга қадам қўйдингиз. Кўп тушкун бўлманг. Бахт кимга аввали, кимга охири. Эсингиздами, болалигингиздан улкан чархпалак ясаб Асхи тепалигига сув чиқазиб боғ-роғ қилурман деганингиз.

БОБУР — Оҳ, онажоним ёшлик орзуларим беҳисоб эрди. Андижонда ҳам Самарқанддагидек қасрлар қурдирмоқчи эдим. Дунё карвонлари Андижонга келишини истардим. Андижон йўллари олам йўллари билан беғараз қўшилишини ният қилардим. Орзу истакларим косасини Аҳмад Танбалдек сурбет, Шайбоқдек ғанимлар чил-чил синдиради деб хаёл қилмоғон эрдим. Энди бормоққа не маскан муяссар, турмоққа не давлат муқаррар.

Келинингиз Ойша Султонбегим ҳам сендан нима кўрдим қувғинди Мирзо деб юз ўгириб, эгачиси билан Тошкандда қолиб кетди.

ҚУТЛУҒ НИГОР — Ўзи пишмаган ош эди-да. Отангизни раъйини қайтаролмай ёшлигингизда «бешик керти »қилиб қўйган эдик. Юрак ўз ҳукмини ўтказди. Муҳаббат дилда бўлмоғини яна бир карра ошкор қилди. Ўзингиз ҳам унча рағбат қилмадингиз.

БОБУР — Ҳа, ўзимни кўп кўнмакка мажбур қилдим, лекин...

Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглимдан ўзга маҳрами асрор топмадим.
Бирдан бир юпанчим онажоним Сиз ва қаламдир.

ҚУТЛУҒ НИГОР— Кўрқаманким изғиган қароқчилар бу турмушимизни ҳам пайхон қилмаса деб.

БОБУР — Талончи ва қароқчилардан зарра ваҳмим йўқдир. Аммо Хисравшоҳдек кўнгилга тиғ урғувчи тож кийган қароқчилар қўрқинчлидир.

ҚУТЛУҒ НИГОР — Парво ҳам қилманг, бепарво ҳам бўлманг... Шаҳзодам, бир ов қилиб келинг, боринг. Баҳри дилингиз равшан тортадир. Ўзингиз битгандек. «Хотирни баҳор фаслида гашт—оладир, Кўз нурини рангуи лолау дашт оладир».

БОБУР — О менинг онажоним, суянган тоғим. Оқила тадбиркор мураббийим. Бахтимга Сизни тангрим бошингизни омон қилсин. Мени деб сиз ҳам дунёдан роҳатлиг кўрмай ўтяпсиз.

ҚУТЛУҒ НИГОР — Не қилайки хонлар авлодидан эканман. Уларнинг иши урушмоқ-талашмоқ, умрим ваҳм ва ҳаяжонда ўтмоқда. Отам Юнусхонинг умри ҳам жангда ўтарди. Ўрдада кун ора аза очиларди. Ҳали у бек дорга осилган, ҳали бу бек жангда шаҳид кетган, навқирон сарбозларнинг қиларганлари. Соч юлиб, фарёд чеккан оналарнинг букилиб қолганлари кўз ўнгимда, кўз ёшлари соқолидан оқиб тушган чолларнинг ҳолатини ҳали ёрнинг дийдорига тўймаган келинчакларнинг қаро либослари еру кўкни ларзага соларди. Умаршайх саройинда ҳам шу аҳвол кечди. Қани қудратим бўлсайди, урушларни йўқотиб, оналарнинг кўзига «ёш индирмас эрдим. (Бирдан «вайвайло», «войвайло» деган мунгли овоз келади).

БОБУР — Онажоним кимнинг фарёди бу?

ҚУТЛУҒ НИГОР — Билмадим, суриштирайчи?

Хонадонлар чорваси кўпаймоқда

● КАЛИНИН районида шахсий чорва молларига эга бўлган хонадонлар кўпайиб боряпти. Гагарин номли совхоз территориясида истиқомат қилаётган оилалар бошлаган ташаббус, айниқса, ибратлидир. «Ҳар бир хонадонда мол ва парранда бўлсин» шиорига амал қилаётган якка хўжаликлар давлатга 40 тонна сут ва кўплаб гўшт етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Хўжаликнинг Б. Ибрагимов, Р. Йўлдошева, Н. Ҳамдамов, У. Алиев сингари ишчи оилалари барчага ўрнак бўлишяпти. Бу хонадонлар йил охиригача эҳтиёждан ортиқча 3000—3500 килограмм сутни давлат қабул пунктларига етказиб беришга аҳд қилдилар.

Совхоз маъмурияти шахсий чорвачилик хўжалигини ривожлантиришда оилаларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Кўплаб эҳтиёждан ортиқча чорва маҳсулотлари тошираётган хонадонлар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда.

Фан ва техника янгиликлари

ТАСС ХАБАРЛАРИ

ГАЗ ЎРНИДА ҚУЁШ

● ЧОРЖЎЙ областининг Октябрьск посёлкасида монтаж қилинган пилла қуритадиган янги установка тежамли ва ғоятда серунумдир.

«Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари таклиф этган сушилка конструкцияси содда. Одатдаги бинонинг кунгай деворн ишлаб қилиб ишланиб, ойна солинади. Ойнадан кирган офтоб нури ҳароратни кўтаради. Иккита вентилятор ҳавони ҳайдаб туриб, пилла қуритишни тезлатади. Шундай қилиб бундай сушилкада пилла одатдаги газ сушилкага нисбатан 5—6 соат тезроқ қурийди ва ҳар тонна пилладан 200 сўмдан кўп пул тежалади.

Бу установкадан мева қоқиқилишда ҳам фойдаланиш мумкин. Туркманистонинг пилла етиштирадиган ҳамма районларида шундай установкалар ўрнатиш мўлжалланади.

Ашхобод.

Ф. ТРИШИН,

ЭҲМ—СЕЛЕКЦИЯЧИЛАРНИНГ КЎМАКЧИСИ

● КОМПЬЮТЕР Россиянинг Ноқоратупроқ зонаси хўжаликлари учун сермаҳсул чорва яратишда ленинградлик селекциячиларга ёрдам бермоқда. Бутуниттифоқ генетика ва чорва урчитиш илмий-тадқиқот институти мутахассислари яратган информацион марказ электрон картотекасида зотли молларнинг насли ва ирсий сифатлари тўғрисидаги маълумотлар йиғилган.

Электрон ҳисоб машинаси хўжаликлардаги мавжуд зотли моллар тўғрисидаги маълумотларга қараб насли ғоятда сермаҳсул эркак ва урғочи жуфтларни танлайди. Олимлар «Новоладожский», «Мыслинский», «Шумский», «Волховский», «Дальняя поляна» совхозларни зоотехника хизмати билан ҳамдўстликда сермаҳсул эксперментал пода ҳосил қилдилар. Ана шу селекция ишлари натижасида айрим зотли молларни область иқлимига мослаштириш мумкин бўлди. Янги зот чорва ноқоратупроқ зонанинг шимолий районларига юборилмоқда.

Ленинград.

С. ФОНАРЕВ.

РАДИОЛОКАТОР ҚУШЛАРНИ ҚИДИРАДИ

● ЛИТВА ССР Фанлар академияси зоология ва паразитология институтининг орнитологлари авиация карталарида парранда ларнинг янги учиш йўлларини қайд этдилар.

Олимлар тадқиқот марказларида радиолокатордан фойдаланиб, илк бор бутун миграция мавсумида парранда ларни кеча-кундуз кузатдилар. Бу нарса самолётларни парранда галалари билан тўқнашиш эҳтимолидан холи қилиш учун авиатрассага тузатишлар киритишга имкон берди.

— Радиолокатор Балтика бўйи устида парранда ларнинг ўн километрлик баландлик миқёсидаги миграция йўлларини аниқлаб олишимизга ёрдам берди, — деди илмий группанинг раҳбари М. Жалакявичус. — Олинган маълумотларга асосланиб учиб ўтадиган парранда ларнинг узоқ муддатли прогнозлари яратилади, кейинчалик эса учувчиларни оператив равишда огоҳлантириб турадиган автомат системалар ишлаб чиқилади.

Литвалик орнитологлар аэродромларда қушларни чўчитадиган шундай системаларни яратдилар. Яқин фурсатда бундай аппарат кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди.

Вильнюс.

Р. ГРУМАДАЙТЕ.

Жаҳон янгиликлари

СУРИЯГА ҚАРШИ ДУШМАНЧИЛИК КАМПАНИЯСИ

ДАМАШҚ. Империализм, сионизм ва реакция кучларининг Сурияга қарши душманчилик кампаниясидан мақсади — Сурия Араб Республикасини олиб бораётган сиёсатидан воз кечишга, араб халқларининг миллий ҳуқуқлари учун кураш принципларини ўзгартиришга мажбур этишдан иборатдир, — деди Араб Социалистик Уйғониш партияси бош секретарининг ўринбосари Муҳаммад Зуҳайр Машарика. Ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган Сурия халқи, — деди у, Исроил агрессиясини бартараф этишда қардош Ливан халқига ёрдам бермоқда, империализм ва сионизмнинг агрессив кирдикорларига зарба бериб, Фаластин араб халқининг миллий ҳуқуқларини ва араб миллий озодлик ҳаракатининг манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда.

М. З. Машарика «Рейган планига тўхталиб, бу пландан мақсад — Фаластин проблемасини бир четга суриб қўйишдан иборат деб, таъкидлади. Шунинг учун ҳам мазкур план араб халқлари учун мақбул эмас. Сурия вакили Исроил АҚШнинг бевосита мадади билан Сурияга қарши янги агрессия тайёрламоқда, деб айтди.

(ТАСС).

Протокол имзоланди

ПЕКИН. (ТАСС). СССРнинг тегишли районлари билан Хэйлунцзян вилояти ўртасида чегара ёни савдоси тўғрисида Харбин шаҳрида протокол имзоланди.

Шу масала юзасидан музокаралар Бутуниттифоқ «Дальинторг» ташқи савдо бирлашмаси делегацияси билан Хэйлунцзян вилояти савдо компанияси ўртасида олиб борилмоқда. Протоколда икки мамлакат ўртасида чегара ёни савдосини янада ривожлантириш кўзда тутилади.

ГАВАНАДАН 60 километр узоқликда Кубада энг йирик иссиқлик электр станцияси барпо этилянти. У Совет Иттифоқининг ҳар томонлама ёрдамида қурилмоқда. Станциянинг қуввати 1,3 миллион киловаттга тенг бўлади. Унда СССРда тайёрланган бешта агрегат ўрнатилади.

Суратда: қурилиш майдончасида.

Г. Петров фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари олти марта муваффақиятли операция ўтказдилар. Шунинг натижасида Исроил босқинчиларидан 20 дан кўп киши ўлдирилди ва ярадор бўлди. Битта танк ва бир қанча соқчи автомашиналар яксон этилди.

Ливан ватанпарварлари Айнаб, Ал-Жийя, Ал-Акбайяда ва аҳоли пунктларида фронт линиясига юборилаётган ҳарбий техника ва ўқдори ортилган колонналарни ва уларнинг соқчиларини гранатометдан ўққа тутдилар. Партизанлар Хасбайя шаҳрида босқинчилар офицерлари клубига йирик калибрли пулемётлардан ўт очдилар. Ўлганлар ва ярадорлар бор.

Исроиллик қотиллар граждан аҳолига қарши жазо чораларини кўрмоқдалар. Айнаб, Хасбайяда босқинчилар уйларни ер билан яксон қилиб, ёппасига тинтув ўтказмоқдалар ва тинч аҳолини қамоққа олмоқдалар.

Бекаа водийсида вазият ҳамон кескин. Бу ерда Исроил қўшинлари Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатлараро кучларнинг суриялик солдатларига қарши агрессияга фаол тайёргарлик кўрмоқдалар. Босқинчилар шу районда ҳар куни ўқ узиб ҳарбий машқ қилмоқдалар, уларнинг авиацияси разведка мақсадида Сурия ҳудудининг позицияларидан устидан учиб юрмоқда. «Араблар Ливани овози» радиостанциясининг хабарига кўра, Бекаа водийсида 900 га яқин Исроил танки, 1500 та бронетранспортёр, жуда кўп миқдорда артиллерия ва реактив қурилмалар тўпланган.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ВЕНА. Бу ерда шу йил июнь ойида Прагада ўтказиладиган «Тинчлик ва яшаш учун ядро урушига қарши» мавзуидаги Жаҳон Ассамблеясининг ёшлар программасини ишлаб чиқиш учун ёшлар ва студентлар ташкилотлари намояндаларининг халқаро тайёргарлик учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда 30 халқаро, маҳаллий ва миллий ташкилот ҳамда ҳаракат намояндалари иштирок этдилар.

Вена учрашувининг қатнашчилари жаҳон ёшлари ва студентларига очиқ мактуб қабул қилдилар. Бу мактубда Прага ассамблеясига тайёргарликни янада кенг авж олдириб юборишга даъват этилади. Мактубда термоядро фалокатининг хавфи тобора ошиб бораётганлиги хусусида чуқур ташвиш изҳор этилади ва урушнинг олдини олишга қаратилган тинч мулоқот ўтказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилади.

● САНО. Яман Араб Республикасининг президенти А. А. Солиҳ визит билан бу ерга келган Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат билан учрашди. Сано радиосининг хабар қилишича, суҳбат вақтида Шимолий Яман билан Фаластин озодлик ташкилоти ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари, босқинчиларнинг террори кучайтирилганлиги ва сионистлар фаластинлик арабларга қарши қилган янги жинояткорона ҳаракатлар натижасида Исроил араблардан босиб олган территорияларда вужудга келган аҳвол муҳокама қилинган.

● АДДИС-АБЕБА. Эфиопия пойтахтида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига бағишланган умуммиллий семинар ўз ишини тамомлади. Семинар иштирокчилари баёнот эълон қилдилар. Бу баёнотда Эфиопияда социалистик жамиятнинг мустаҳкам асосларини барпо этиш мақсадида халқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғида маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

(ТАСС).

ДЕМЬЯН БЕДНИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

«ХАЛҚИМ ТАҚДИРИН ЎЗ ТАҚДИРИМ ДЕБ БИЛДИМ...»

Демьян Бедний (Ефим Придворов) ижодида ўзи айтганидек, халқ эрки ва қуйлаш асосий ўрин тутади. Бу — бежиз эмас, албатта. Украинанинг Херсон губерниясидаги Губовка қишлоғида, камбағал деҳқон хонадонида туғилган Ефим Придворовни болалигиданоқ дадаҳшатли очлик ва оддий халқнинг камситилган, ҳуқуқсиз аҳволи ўз қуршовига олди. Ёш Ефим халқнинг оғир турмушини, крепостной ҳуқуқ исканжасида эзилган деҳқонларни ўз кўзи билан кўрди. Қалби зулм ва ҳақсизликка, помещикларнинг халққа ўтказаётган жабр-ситамларига нисбатан нафрат ҳиссси билан тўлди. Бениҳоя оғир шароитга қарамасдан Ефим Придворов ўқиш учун чора ахтарди. Иқтисодий жиҳатдан қулайлиги учун 1896 йилда бўлғуси шоир Киевдаги ҳарбий-фельдшерлик мактабига кириб ўқийди. Болалигиданоқ адабиётга ҳаваси қўйиб, Пушкин, Гоголь, Крилов, Некрасов асарларини севиб мутолаа қилган Ефимнинг илк шеърлари мана шу даврда матбуотда кўрина бошлади. Ўқишни тугатиб, мажбурий хизматга жўнатилган ёш шоирда йил сайин чоризм хизматидан кетиш фикри кучая боради, ёзувчиликка муҳаббати ортади. Иродали Ефим етуклик аттестатини олиб, 1904 йилда Петербург университетининг тарих-филология факультетига ўқишга кирди. Шуни айтиш лозимки, Ефим Придворов олий ўқув юртида ўқиган саноқли деҳқон болаларидан бири эди.

Пролетариатнинг революцион ҳаракати билан маҳкам боғланган М. Горький ўз ижоди ва фаолияти билан Россиянинг кўпгина ёш адибларини, жумладан, Д. Беднийни ҳам эзилган синфнинг бахти учун курашга илҳомлантирди. Большевистик матбуот билан, Коммунистик партиянинг атоқли вакиллари билан ҳамкорлик Демьян Беднийнинг революция шоири сифатида шаклланишида катта роль ўйнади.

Д. Беднийнинг тарихий ўрни шундаки, у М. Горький, В. Маяковский, А. Серафимович ва бошқа революцион шоирлар билан бирга совет адабиётининг карвонбошиларидан бири бўлди ва ишчилар синфи, халқ оммасининг авангарди сифатида миллионлаб деҳқонларни революцион қурашга кўтарган даврни бадиий ифодалай олди.

Д. Беднийнинг бадиий мероси социалистик қурилиш солномасини, революцион курашнинг поэтик йилномасини ташкил этади. Унинг ижодий йўли ўша шарафли тарихий йўл билан, шиддатли кураш ва меҳнат билан ғалабадан ғалабага қараб юрган халқимиз — янги дунё қурувчисининг тақдири билан чамбарчас боғланган. Зотан:

Халқимни деб ёвлар билан
жанг қилдим,
Халқим тақдирин ўз
тақдирим деб билдим, —

деганида шоир жуда ҳақли эди. Энг яхши шеърларида Некрасовнинг революциондемократик поэзиясидаги классик тенденцияларни давом эттирган, рус халқининг бой ҳаёти тажрибасидан фойдаланган ва доимо реалистик маданиятдан илҳомланган Ефим Придворов жуда қисқа даврда ўз руҳига мос бўлмаган тенденцияларни енгиб катта адабиёт йўлига чиқиб олди.

Унинг ғоявий-бадиий изланиш ва сиёсий шаклланиш даврида большевистик матбуот ҳал қилувчи роль ўйнайди. «Звезда» ва «Правда» газеталаридаги адабий иш бўлажак шоир учун ажойиб мактаб бўлди.

1911 йил 16 апрелда «Звезда» газетасида «кичик фельетон» рубрикаси остида Е. Придворовнинг имзоси билан «Демьян Бедний — нобоп деҳқон ҳақида» номли шеъри босилиб чиқди. Бу шеър большевик-шоир ижод йўлининг боши бўлди ва унинг номини халққа танитди.

Д. Бедний ижодида замонасининг сиёсий воқеаларига қулай ва ҳозиржавоб масал жанри алоҳида ажралиб туради. Пролетар революцион сатирасининг асосчиларидан бири сифатида шоир қариб қирқ йиллик ижоди даврида 300 дан ортиқ масал яратди. Унинг ўткир, мақсадни аниқ нишонга олувчи масаллари В. И. Ленин томонидан юқори баҳоланган эди. Д. Беднийнинг ижодига катта эътибор бериб, доимо ғамхўрлик қилиб турган Владимир Ильич унинг масалларига жуда қизиқар ва севиб ўқирди.

Шоирнинг новаторона қучи шундаки, у масал жанрига қайта ҳаёт бериб, ундан оммани революцион руҳда тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланди ва масални меҳнаткашларнинг ўз душманларига қарши қурашида ўткир жанговар қуролга айлантирди.

Демьян Бедний ижодида Шарқ мавзуи алоҳида ўрин тутади. 1925 йилда ёзилган «Зийнатнинг қасами» асари Совет ҳокимияти туфайли асрий қулликдан озод бўлган ўзбек аёли тўғрисидаги қаҳрамонлик повестидир.

Совет Ўзбекистонида Д. Беднийнинг қудратли овози революцион ва гражданлар урушининг алангали йилларида жаранглай бошлади: 1919 йилда «Туркестанский коммунист» газетаси унинг «Жавоб битта», «Онажон», «Русь» номли шеърларини чоп этди. Қўқонда нашр этилиб турган «Знамя труда» газетаси «Ишчи аёлга» шеърини, Самарқанддаги «Пролетарий» эса «Кимга нима ёқади» номли шеърини эълон қилди. Шоирнинг асарлари ўзбек тилига 20-йилларнинг охирларидан бошлаб таржима этила бошланди. Ўзбек адабиётида Д. Бедний ижодидан таъсирланган ва илҳомланган ижодкорлар ҳам оз эмас. Ғафур Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ғайратий, Миртемир, Э. Воҳидов ва Б. Бойқобилов каби ўнлаб шоирларимиз инқилоб қуйчисининг асарларини турли йилларда таржима қилдилар.

Баъзи бир ғоявий-бадиий чекинишларига қарамай, Д. Бедний адабиётнинг партиявий позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. У ўзининг ўткир сўзи билан капитализм иллатлари ва реакцияга қарши мардона курашди. Бу курашнинг муқаддас байроғини умрининг охиригача баланд кўтарди.

М. ҲАМРОЕВА,
Тошкент Давлат маданият институтининг ўқитувчиси.

● ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ қишлоқ хўжалик машинасозлиги тажриба заводида янги майсакескични ишлаб чиқаришга киритилди. У шу вақтгача фойдаланишда бўлган бундай мосламаларга нисбатан қатор афзалликларга эга. Унинг ёрдамида майсаларни, шунингдек буталарни ҳам текислаш мумкин. Агрегат енгил бўлиб, овозсиз, электр энергияси билан ишлайди. Суратда: завод бош энергетиги Константин Алексеевич Ли янги майсакескични намойиш қилмоқда.
Г. Пун фотоси. ЎзТАГ.

МАРОҚЛИ СУҲБАТ

Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхози билан Чирчиқ машинасозлар маданият саройи коллективи ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораяпти. Ҳар иккала коллектив вакиллари тез-тез учрашиб, ўзаро бир-бирларига кўмаклашиб туришади.

Яқинда маданият саройининг агитбригадаси дала меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлди. Чирчиқлик санъаткорлар колхоз меҳнат аҳлига ўз қўшиқ ва куйларини ҳадя этишди. Учрашув сўнгида «Билим» жамиятининг лектори С. Машталов чорвадорларга шу кунниг муҳим мавзуларида қизиқарли лекция ўқиди.

ДОСААФ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ПОЙГАЧИЛАР

Бекобод район ДОСААФ ташкилотининг спорт-техника клубининг мотопойгачилари ҳамиша йирик мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Улар бир неча бор область биринчилигининг ғолиби бўлганлар. Эришилаётган бу ютуқларда спорт-техника клуби тренери Раҳмат Юсуповнинг ҳиссаси катта.

Р. Юсупов бир неча йилдан бери ҳаваскор мотоциклчиларга спорт сирларини қунт билан ўргатмоқда. У район хўжаликларида, саноат корхоналарида бўлганида спортнинг бу мураккаб турига лаёқатлиларни танлайди. Яқиндагина клубга келган «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг токари С. Алиев, ремонт-механика заводи электриги С. Ким, «Далварзин» совхози слесари М. Эрматов, шу совхоз ишчиси С. Савиновлар мана энди маҳоратли спортчи бўлиб етишишди.

А. КУЧЕРЕНКО.

Почтасидан

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

КАРОМАТХОН ҚЎШИҚЛАРИ

Гавжум зални тутган ёқимли куй оҳанги барчани сеҳрлаб қўйгандек гўё. Ёш санъаткор ижро этаётган қўшиқ кўнгилларни мафтун этди. Зал қарсакларга тўлди...

Карматхонда қўшиқ айтишга бўлган иштиёқ болалигидан уйғонди. Ўша пайтдаги иштиёқ Карматхонни колхознинг «Янгиариқ гуллари» ансамблига етаклади. Ансамбль раҳбари Ашур Аллаевнинг ғамхўрлиги туфайли Карматхон санъат сирларини тиришқоқлик билан эгаллай бошлади.

Тошкент Давлат маданият институти «Нилуфар» ансамбли яқинда Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди. Карматхон эса бу ансамблнинг фаол иштирокчиларидан ҳисобланади. Унинг орзуси — келгусида маданий-оқартув ходими бўлиш билан бирга дилрабо қўшиқлари билан ҳам кўнгилларни хушнуд этишдир.

У. НОРМУРОДОВ.

«ШИРИН МЕВА»

Тошкент давлат музикали комедия театри саҳнасида В. Шукшин асарларининг қаҳрамонлари гавдаланди. Бу театр «Ширин мева» спектакли премьерасини намойиш қилди. Театрнинг бош режиссёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби К. Васильев мазкур асар инсценировкасини амалга оширди. Ижодий коллективнинг янги спектаклига таниқли совет композитори Е. Птичкин куй басталади.

Театр Тошкентнинг 2000 йиллигига В. Казенин пьесаси асосида яратилган «Чайлада жаннат» спектаклини саҳналаштирмоқда. Бу спектакль 1966 йилги зилзиладан сўнг республика пойтахти қандай тикланганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Тошкент агрегат заводининг маданият уйида шаҳарнинг 2000 йиллигига бағишланган экспозиция «Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри» деб номланди. Бу ерга қўйилган фотосуратларнинг, гасвирий ва декоратив-амалий санъат асарларининг муаллифлари Тошкентнинг ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақида ҳикоя қиладилар. Улар мазкур корхона меҳнатчиларидир.

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ҳам бўлажак юбилей тантаналарига фаол тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар тинчлик ва дўстлик шаҳри бўлган Тошкентни мадҳ этувчи янги программани намойиш қиладилар.

СПОРТ

● ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Мамлакатимиз аёллар терма командаси шу кунларда Малайзияда ўтказилаётган чим устида хоккей бўйича жаҳон V чемпионатида иштирок этмоқда. Мамлакатимиз қизлари биринчи учрашувни Янги Зеландия терма командаси билан ўтказдилар. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. СССР терма командаси сафида республикамиз вакили Муҳаббат Ҳайдарова ҳам иштирок этаётир.

● ФУТБОЛ. Бугун СССР терма командаси Швейцария футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказади. Бу Европа чемпионати саралаш учрашувлари олдидан ўзига хос имтиҳон вазифасини ўтайди. Лозаннада мамлакатимиз футбол шарафини қўйидаги спортчилар ҳимоя қиладилар: дарвозабонлар— Р. Дасаев, В. Чанов; ҳимоячилар — Н. Ларионов, С. Балтача, А. Демьяненко, А. Чивадзе; ярим ҳимоячилар— А. Баль, В. Бессонов, Ф. Черенков, Т. Сулаквелидзе, Х. Оганесян; ҳужумчилар — С. Родионов, Р. Шенгелия, О. Блохин.

● ШАШКА. Ленинградлик гроссмейстер А. Дибман халқаро шашка бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Таллинда ўтказилган бу мусобақаларда республикамиз вакили Сергей Давидов 7,5 очко билан 14-ўринни эгаллади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

22—24 апрель кунлари
«МАГНЕТИК БЕНД» ГРУППАСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Бадиий раҳбар — Гунар ГРАБС.
22 апрелда соат 20.00 да.
23 апрелда соат 17 ва 20.00 да.
24 апрелда соат 14, 17 ва 20.00 да бошланади.
Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
Справкалар олиш учун телефонлар: касса—46-03-12, **администратор**—46-07-53, 46-68-77.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
1983-84 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
СИРТҚИ БЎЛИМГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, математика, география, рус тили ва адабиёти (миллий мактаблар учун рус тили ўқитувчиси тайёрлайди).

Ўзбек тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича — ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма ва оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки), чет тилидан (оғзаки).

Рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича — рус тили ва адабиётидан (ёзма ва оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки), чет тилидан (оғзаки).

математика мутахассислиги бўйича — математикадан (ёзма ва оғзаки), физикадан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиёти (ёзма).

География мутахассислиги бўйича— географиядан (оғзаки), математикадан (оғзаки), СССР тарихидан (оғзаки), ўзбек тили ва адабиётидан (ёзма).

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР 31 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ИМТИҲОНЛАР 1 ИЮНДАН 20 ИЮНГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

Ариза институт ректори номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат ёки колхоз дафтарчасидан кўчирма.

Кирувчилар паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисида ҳужжатни шахсан кўрсатадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент области, 702500, Ангрен шаҳри, 48-квартал, 1 «в»-уй, III корпус.

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ
99-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983-84 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аёлларнинг енгил қўйлакларини тикувчилар, аёлларнинг устки кийимларини тикувчилар, эркакларнинг устки кийимларини тикувчилар, сартарош, фотограф.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Бичиш ҳуқуқини берадиган тикувчилар группасида эса ўқиш муддати 3,5 йил.

Билим юртини тугатганлар ўрта маълумот ҳақида ва танлаган ихтисоси бўйича 3—4 разряд берилганлиги тўғрисида диплом оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган йигит-қизлар аёллар енгил қўйлакларини тикувчилар группасига қабул қилинадилар. Улар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳамма ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар-район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг йўлланмаси.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Бекобод шаҳри, Касалхона шаҳарчаси (5-автобуснинг «Шаҳар касалхонаси» бекати). Телефонлар 49-09, 49-88.

«УЗГЛАВТОПЛЕССТРОЙТОРГ»НИНГ
ТОШКЕНТ ЁНИЛҒИ БАЗАСИ
АҲОЛИГА НАҚД ПУЛГА

ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ:

томни ёпиш учун кўп бўшлиқли плиталар;
йўлга ётқизиладиган плиталар;
бордюралар;
керамзит-бетон блоклар;
ирригация лотоклари;
канализация қудуқлари;
туташтиргичлар;
ихота панеллари;
ташқари девор панеллари;
ички девор панеллари;
асфальт — бетон аралашмаси; цокол блоклари, фундамент блоклари, шағал, тайёр бетон, ғишт териш учун цемент аралашмаси.

Юқорида санаб ўтилган буюмлар ёнилғи складларида қуйидаги адрес бўйича реализация қилинади;

1-СКЛАД — 2-Ипподром проезди, 58-уй. Телефон 91-39-85;

2-СКЛАД — Уста Ширин кўчаси, 136-уй. Телефон 48-25-62.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 125-уй. Телефон 48-46-81.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

30-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—1984 ўқув йилига
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

кенг профилдаги фотографлар, кенг профилдаги сартарошлар, кенг профилдаги ошпазлар ва сотувчилар, якка буюртма тикувчилари, қандолатчилар, электр жиҳозларга маиший хизмат кўрсатиш бўйича электрик — усталар (холодильник, кир ювиш, чанг тозалаш машиналари), **тикув машиналари бўйича усталар, соат тузатиш ва уни гравировка қилиш усталари — соатсозлар, радио ва телевизорлар тузатиш усталари.**

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ЕШЛИ ВА УНДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати 1—2—3 йил.

Билим юртига ўқувчилар имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган меҳнат ҳақининг 33 процента ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киритилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда маълум имтиёзлардан фойдаланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига киришда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 4 дона фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, мактабдан характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, 112-Қорақамиш массиви (42, 43, 43 «э»- 56, 82-автобуслар ва 27-трамвайнинг «Мактаб» бекати). Телефон 48-68-59.

ТУПРОҚ ИШЛАРИНИ БАЖАРУВЧИЛАР, КОЛХОЗ РАИСЛАРИ, СОВХОЗ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКАМИЗ ТЕРРИТОРИЯСИДА ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИ ЁТҚИЗИЛГАН ВА ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Бундай кабелларга зарар етиши натижасида телевидение кўрсатувлари тўхтаб қолиши, телефон сўзлашувлари бузилиши, телеграммаларни етказиб бериш кечикиши мумкин.

Кабелларга зиён етиши мамлакатимиз аҳолиси ва умуман давлатимиз манфаатларига зарар келтиради.

Алоқа кабеллари учун СССР ҳукумати қарорига кўра 4 метр кенгликда муҳофаза зонаси белгиланган.

Кабелларнинг муҳофаза зонасида шу кабелларга хизмат кўрсатувчи корхонанинг ёзма рухсатисиз ҳар қандай тупроқ ишларини бажариш, шунингдек дарахтлар ўтқазиш, омборхоналар, транспорт турар-жойларини ва шу кабиларни қуриш таъқиқланади.

Аҳоли пунктларидан ташқаридаги шаҳарлараро алоқа кабеллари устунчалар ва огоҳлантириш белгилари билан ифодаланади. Белгиларда кабель муҳофаза зонасида тупроқ ишлари олиб бориш зарур бўлган ҳолда мурожаат қилиш лозим бўлган ташкилот адреси ва телефон номери кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР шаҳарларида тупроқ ишларини бажаришга халқ депутатлари Советлари архитектура ёки коммунал хўжалик бўлимлари томонидан бериладиган ордерлар бўлганидагина рухсат этилади.

Ноқонуний равишда, рухсатсиз алоқа кабеллари трассасида тупроқ ишларини бажариш, тупроқни текислаш, суғориш системаларини ўтказишга йўл қўйманг.

Келишиб олиш ишлари қуйидаги адрес бўйича ўтказилсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, В-22 кварталы, 11-уй. Телефон 76-36-37.

ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИГА ЗИЁН ЕТКАЗИШ ҚОНУН БИЛАН ЖАЗОЛАНАДИ!

ИТТИФОҚ МАГИСТРАЛ АЛОҚАЛАР ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ 4-ТЕХНИКА УЗЕЛИ, ТЦУМС-10.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 —«Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.15 — «Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.30 —«Саёҳатчилар клуби». 12.20 — Фильм-концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Инсон олов билан қурашда». Ҳужжатли фильм. 16.05 —«Рус тили». 16.35— Концерт. 16.50— Мактаб ўқувчиларининг учрашуви. 17.35 — «Алкоголизм ҳақида суҳбатлар». 18.05 — Г. Алижонова қуйлайди. 18.20 — «Стадион ҳамма учун». 18.50— Мультфильм. 19.15 —«Дунё воқеалари». 19.30 — Д. Бедний туғилган куннинг 100 йиллигига. 20.10—«Оқ шомон». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.05 —Ҳужжатли фильм премьераси. 23.15 — «Россия» Давлат республика рус халқ ансамблининг чиқиши. 23.40 — «Дунё воқеалари».

МТ-II 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 —«Шимолда, балиқчилар ҳузурида». Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35—География. 10.05 ва 14.10 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Тарих. 12.05 —«Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 — М. В. Исаковский. «Ленин ҳақида ўйлар». 13.40 — География. 14.40 — «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». 15.10 — «Звездочет» телевизион журнали. 15.55 — А. П. Чехов. «Иванов». 16.40 — ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Илмий-оммабоп фильм. 19.00 — Музикали программа. 20.00 —«Ҳаракат хавфсизлиги учун». 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 —«Время». 22.05— «Қон-қардошлар». Бадиий фильм.

ЎзТВ-I. 11.30 — «Фонарик». 12.00 — «Катта оила». Телевизион фильм. 12.30 — Рус адабиёти. 13.00 — «Қаҳотлар ҳақида достон». Бадиий фильм. 1-серия. 18.05— «Эски омборхонада». Мультфильм. 18.15 — Болалар учун концерт. 19.00— Ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллигига. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Ижод гулшани». 20.30—«Ахборот». 20.50— А. Навоий номли Давлат академик Катта театри солистлари ижросида операларидан ариялар. 21.30—«Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Резидент хатоси». Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.10 — «Уста». Телевизион фильм. 18.20 — Математика. 19.20 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.50 — «Шунчалар узоқ ва яқин Мешчера». Ҳужжатли фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00—«КамАЗ: иккинчи ҳаёт». Телевизион фильм. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IV да **Нодира бегим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/IV да **Ишонмасанг ўламан.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Етти ажойиб масхара боз— москвалик цирк усталарининг томошалари.**

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41 | Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; пропаганда 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт— 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат— 325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01917. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1576. 1 2 3 4 5 6 7 8 8 10 11 12 13 14